

А Ж Р И М

(жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2024 йил 5 апрель куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, Олмазор тумани “Шифокорлар” М.Ф.Й. биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, Ж.Нажимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Садриддиновнинг котиблигида, тарафлардан Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузоҳиров, гумон қилинувчи [REDACTED] ва унинг адвокати Р.Исмаилов, жабрланувчи [REDACTED] иштирокида [REDACTED] оид 1-1008-2405/164-сонли ярашув тўғридаги ишни кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1993 йил 5 июлда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдок, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, [REDACTED] хонадонда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилганликда гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, уларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, О [REDACTED] 2024 йил 9 март куни соат 18:00 ларда Олмазор тумани Шифокорлар шаҳарчаси ТашГосМи даҳаси 7 [REDACTED] истиқомат қилувчи фуқаро 05.07.1993 йилда туғилган [REDACTED] Олмазор тумани Жийдали МФЙда жойлашган “Офарин” тўйхонаси орқасида 14.09.1992 йилда туғилган таниши [REDACTED] ўғли билан ўзаро келишмовчилик оқибатида жанжаллашиб урушиб қолганлиги, жанжал вақтида А.А.Ортиқов [REDACTED] юз соҳасига қўл мушти билан уриб қасдан тан жароҳати етказган.

Ўтказилган судга оид тиббий эскпертизанинг 2024 йил 11 март кундаги №1506-Хуж-Кур-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] танасида “ўнг қўл тирсак суяги бигизсимон ўсиғини ёпиқ дарз кетиб синиши, бурун суяги ёпиқ силжимасдан синиши ва юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари аниқланган ва бу жароҳатнинг оғирлик даражаси бўйича ЎРТАЧА ОҒИР тан жароҳатлари туркумига киришлиги аниқланган.

Жабрланувчи [REDACTED] дастлабки тергов органига ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи [REDACTED] қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, кечирим сўрагани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, у билан ярашгани сабабли [REDACTED] оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраган.



Судда гумон қилинувчи [REDACTED], қилмишига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи билан ўзаро ярашганини билдириб, ўзига оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда жабрланувчи [REDACTED] гумон қилинувчи [REDACTED] ундан кечириш сўрагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, гумонланувчи билан ўзаро ярашгани, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, суд ярашувни тасдиқлаган тақдирда, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунарли эканини билдириб, [REDACTED] оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг тўртинчи қисмида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра суд, гумон қилинувчи А [REDACTED] оид жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни, шу билан бирга, суд жабрланувчи ва гумон қилинувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582-583, 585-586-моддаларига қўлланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилганликда гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган [REDACTED] оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилсин.

Жабрланувчига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Иш бўйича етказилган зарар қопланганлиги эътироф этилсин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка ичида хусусий тартибда шикоят ва протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ж.Нажимов

Нусхаси аслига тўғри

